O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №




• Замонавий меҳмонхона
• Гўзаллик бахш этиб

• «Умид» жамғармаси йўли билан
• Миллий мафкура ва миллат

Ҳамкорлик

# ЯНА БИР ОСМОНЎПАР

***Алишер Навоий, Амир Темур ва Ҳадича Сулаймонова кўчалари кесишган жойда муҳташам меҳмонхона қад кўтараётганидан хабардорсиз, албатта. У «Интерконтиненталь» ва «Ле Меридиан»дан кейинги жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган яна бир меҳмонхонадир.***

Шаҳримиз марказий қисмининг ўзига хос миллий ва меъморчилиги билан уйғунлашиб кетадиган нафақат юртдошларимиз, балки турли мамлакатлардан ташриф буюрувчи тадбиркор ва сайёҳлар учун қулай бўлган бу меҳмонхонани Франциянинг жаҳонга машҳур «Буиг» компанияси қурувчилари бунёд этишмоқда.

16 қаватли улкан кўринишни ўзига мужассамлантирган бинода ҳозирда тиклаш ишлари деярли тугалланиб, пардоз ишлари олиб борилмоқда. Бири-биридан ёруғ хоналар сайқал топиб, тобора ҳусн очмоқда.

«Яна орадан бироз муддат ўтгач, бу ерга келсангиз ўзингизни худди гўзаллик оламига кириб қолгандек ҳис этасиз», дейишади сайқалловчилар. Ўшанда сиз бино пештоқидан шаҳримиз жамолини бемалол томоша қилишингиз мумкин бўлади. Бири-биридан чиройли манзаралар диққатингизни ўзига тортади. Шаҳарнинг тўрт томони кафтдек бўлиб кўзга яққол ташланиб туради. Тубсиз кенглик узра чўзилиб кетган осмонўпар биноларга узоқ тикилиб, уларнинг ниҳояси уфққа туташиб кетганини ҳис этасиз. Гўё ўзингизни катта денгиз уммонида кенг қулоч отиб сузиб юргандек сезасиз.

Шу ўринда оқшомхонларни нима учун бу қурилишга бош пудратчи қилиб «Буиг» фирмаси танланди экан, деган савол ўйлантириши табиий. Чунки 80 дан ошиқ мамлакатларга маълум ва машҳур, 40 йиллик катта тажрибага эга бўлган «Буиг» компаниясининг мутахассислари нафақат лойиҳалаш ва қурилиш ишларига боғлиқ етакчи технологияга, балки фуқаролар яшайдиган нодир уй-жой, энергия тармоқлари, денгиз ва ерости нефть иншоотларига доир қурилмалар, йўллар ва техник қурилишлари билан боғлиқ юмушларни ҳам амалга ошира оладилар.

«Буиг» компанияси барча қурилишдаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва молиявий жиҳатдан таъминлаш қудратига эга. Фирма мутахассислари томонидан бунёд этилган Туркманистон, Қозоғистон, Россия, Белоруссия, Руминия ва Чехиядаги ноёб қурилишлар бунинг мисоли бўла олади.

Режа бўйича ушбу меҳмонхонадан 250 хона ўрин олади. Бундан ташқари ресторан, бар, анжуманлар зали, бизнес маркази, дам олиш мажмуалари, соғломлаштириш клуби, сауна, гимнастика зали, иккита сузиш ҳавзаси, теннис корти ва бир қатор маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам бўлади.

Албатта, ушбу кошонани бунёд этишда «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг кўпсонли мутахассислари хизматини ҳам унутмаслик керак. Улар «Буиг» компанияси билан тузилган шартномадаги барча ишларни, яъни қурилиш майдонини ҳозирлашдан тортиб, меҳмонхонага барча технологик тармоқларни ўтказишгача бўлган ишларни сидқидилдан адо этишди. Хуллас, ўзаро самарали ҳамкорлик ўз мевасини берадиган кун яқин. Уни янада тезлаштириш учун мажмуа бунёдкорлари вақтдан ўзиб меҳнат қилишмоқда.

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

Тадбиркорлик

# ЗЕБОЛИК АЁЛГА ЯРАШАДИ

***«Тақинчоқ аёл кишига, аёл эса тақинчоққа ярашиқлидир», деган ҳикматли ибора юради орамизда. Чинданам табиат чексиз гўзаллик инъом этган аёлларимиз ўзларига ярашиқлик тақинчоқларни тақиб юрсалар янада кўркамлашиб, кўпларнинг дилига завқ бағишлайди.***





Қайси аёл замонавий кийинишу чиройли зеб-зийнатлар тақиб юришни истамайди, дейсиз. Тўғри, жуда кўпчилик аёлларимиз олтин ва кумушдан ясалган тақинчоқлардан бошқасини тан олишмайди. Лекин пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида фаолият кўрсатаётган «Фарадис» хусусий фирмасида ишлаб чиқарилаётган заргарлик буюмлари ҳар қандай аёлни ҳам ўзига ром этади, десак асло янглишмаймиз. Чунки бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг сифати, замонавийлиги, чиройи билан ана ўша қимматбаҳо тақинчоқлар билан бемалол рақобатлаша олади. Бунинг боиси меҳнат, изланиш ва ишбилармонликдир.

«Фарадис» хусусий фирмаси 1996 йилда иш бошлади. Бу фирмани ёш оила—Фарида ва Ислом Шокировлар оиласи ташкил этдилар. Ислом ирригатор, Фарида эса шарқшунос бўлишига қарамай, тадбиркорлик билан шуғулланишга бел боғлаганлар. Тошкент Давлат университетининг шарқшунослик факультетини тугатган Фарида 1987 йилда Сурия мамлакатига малакасини ошириш учун юборилди. Ана ўша пайтдаёқ Фарида заргарлик буюмларига, уларни ишлаб чиқарувчи фирмалар ишига қизиқиб қолди.

Кейинчалик турмуш ўртоғи Исломнинг чехиялик заргарлар билан рақобатлаша оладиган фирма ташкил этиш ҳақидаги қарори унга далда бўлди. Фарида ўзининг нозик дидини, бутун маҳоратини турли хил тақинчоқлар — зирак, узук, билакузук, соч турмаклагич, занжир, маржонлар яратиш йўлидаги изланишларга бағишлади. Ислом эса фирманинг тижорат ишларини ўз бўйнига олди. Ўзида гўзалликка ошуфталик борлиги боисми Фариданинг чаққон қўлларидан чиққан маҳсулотлар тезда харидорлар эътиборини тортди.

Заргарлик буюмлари тайёрлаш учун сифатли хом ашё, айниқса чиройли, кишига завқ бағишловчи тошлар, металлар керак бўлади. Улар асосий хом ашёни Жанубий Кореядан, Австриядан келтиришди.

— Аввало, заргарлик ҳунари жудаям нозик саналишини, бунинг уддасидан чиқмоқчи бўлган одам халқ яратган санъатни севиши лозимлигини чуқур англаб етдим, — дейди Фарида Исломова. — Одам қилган ишни бошқа одам ҳам албатта уддалайди, лекин уқув ва кунт, билим ва иштиёқ бўлиши керак бунинг учун. Мен ҳам аввало халқ амалий санъатини чуқур ўрганишга интилдим, тарихий манбаларга мурожаат этдим. Шарқона безакларимизни замона руҳига мослаштиришга ҳаракат қилдим. Шу билан бирга ҳар бир ясаган тақинчоғимнинг ўзида қандайдир маъно яширинишига, бири иккинчисини такрорламаслиги лозимлигига алоҳида эътибор қаратдим. Натижада арзон, чиройли, аёлларнинг кўнглини забт эта оладиган нафис тақинчоқлар дунёга келди.

Аввалига «Фарадис»нинг маҳсулотлари шаҳримиз дўконларида сотилган бўлса, маҳсулот ишлаб чиқариш ортиб, унинг турлари кўпайгач, «Тошкент трактор заводи» мавзесида фирма дўкон очилди. Эндиликда бу дўкондан нафақат пойтахтлик аёллар, балки чет эллик меҳмонлар ҳам ўз дидига мос заргарлик буюмларини сотиб олишмоқда.

Буюртмачилар сони орта боргач, фирмага Фарида ўзига ўхшаш қўли гул учта қизни ишга таклиф этди. Улар ёш, ўз навбатида чаққон ва харидор эҳтиёжини, бозор талабини тўғри тушунадиган малакали дизайнерлардир. Турли-туман заргарлик буюмлари яратиш йўлида Фаридага яқиндан кўмак бераётган Ирина Петрова, Эльвира Агеева, Юлия Прудниковалар ўз ишларини жон-дилдан севишади. Улар янги маҳсулот турларини яратиш учун харидорлар билан тез-тез мулоқотда бўладилар.

— Тадбиркорликнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бисёр, — дейди Ислом Шокиров. — Бу машаққатларни фақат меҳнат, тинимсиз изланиш билангина енгиш мумкин. Бу йилги «Ташаббус—98» кўрик-танловида иштирок этишимиз, III Тошкент ярмаркасида ўз маҳсулотларимиз билан қатнашганимиз бизни кўпчиликка танитди. Айниқса, мамлакатимизда хусусий тадбиркорликка берилаётган эътибор бизга мадад бўлмоқда. Дўконимиздан харид қилган ҳар бир одамнинг юз-кўзидаги қувонч эса бизни руҳлантиради, янада яхши маҳсулотлар яратишга ундайди. Бу билан биз четдан келадиган маҳсулотлар ўрнига ўзимизнинг рақобатга чидамли маҳсулотларимизни яратиб, республикамиз иқтисодиёти ривожига муносиб улуш қўшишни ҳам мақсад қилганмиз.

Фирма ўз маҳсулотлари билан аёлларимизга гўзаллик бахш этмоқда. Уларнинг мақсадлари эса доимо юксак: яратилаётган ҳар бир янги безак жаҳон андозалари бозорида ҳам эътибор қозониб, хорижлик аёлларни ҳам ўзига ром этсин.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*

*СУРАТЛАРДА: фирма дизайнери Эльвира Агеева ўз ишини ниҳоятда синчковлик билан амалга оширади; шундай чиройли безаклар қайси аёлга ёқмайди дейсиз!*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

Мустақиллик мевалари

# ЎЗБЕКИСТОННИ ЖАҲОНГА ТАНИТИШ ЙЎЛИДА

***Республикамизда иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларига кўмаклашувчи «Умид» жамғармасининг ташкил этилиши қобилиятли юртимиз талабаларининг жаҳондаги нуфузли олий ўқув юртларида ўқишлари учун кенг имкониятлар очди. Бизнинг шу жамғарма йўлланмаси билан Англиядаги Льютон университетида таҳсил олаётган ҳамшаҳримиз Нилуфар Рашидова билан суҳбатимиз ҳам Англиядаги таълим тизими, ушбу юрт жозибаси ва инглизларнинг ўзига хос одатлари хусусида бўлди.***

**— Нилуфархон, айтинг-чи, Льютон университетига йўлланма олишингиз жараёни қандай кечди?**

— Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг чет тиллар факультети, инглиз тили бўлими иккинчи курс талабаси сифатида билимларимни оширишга ҳаракат қилардим. Немис, инглиз, француз тилларини биладиган талабаларнинг билимларини такомиллаштириш мақсадида уларни чет элларга юбориш учун «Умид» жамғармаси томонидан танлов эълон қилингач, унда ўз кучимни синаб кўришга қарор қилдим. Ҳужжатларимни халқаро журналистика мутахассислиги бўйича топширдим. Омад кулиб боққан экан, синовлардан муваффақиятли ўтиб Франция, Буюк Британия, Япония, Германия ва Американинг нуфузли билим даргоҳларида таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга киритган ўзбекистонлик 150 дан ортиқ талабалардан бири мен бўлдим.

Лондон аэропортига келиб тушганимиздан сўнг Англияга йўлланма олган 36 талабанинг ҳар бирини университетлардан келган вакиллар кутиб олишди. Барча қулайликларга эга ётоқхоналарга жойлаштирдилар. Шу тариқа бир йил давомида Льютон университетида таълим олдим.

**— Льютон университетидаги муҳит, Англиядаги таълим тизими тўғрисида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Англиянинг таълим тизими бизникидан анча фарқ қилар экан. Ўқув йили қишки ва ёзги семестрдан иборат бўлиб, ҳар бир семестр охирида имтиҳонлар топширилиб кредит йиғилади. Семестрлар ўртасида эса ҳар бир фандан 2500-3000 сўзли иншолар ёзиб топширилади, махсус мавзулар бўйича амалиёт ишлари ўтказилади. Льютон университетида халқаро журналистика ихтисослиги бўйича таълим уч йил экан. Демак, яна 2 йил у ерда сабоқ оламан. Англияга боришим олдидан компьютер техникаси, бизнес, журналистика борасида билимларим йўқ даражада эди. Ҳозир ушбу соҳаларда анча билим-маҳоратга эга бўлдим. Льютон университетида Африка, Шимолий ва Жанубий Америка, Европа, Австралия каби дунёнинг барча қитъаларидан келган 10 мингдан ошиқ талабалар ўқийди. Барча талабалар учун бир хил имтиёзлар туғдирилган. Масалан, ўқитувчилар чет эл талабаларига алоҳида эътибор берадилар, талабалар учун бепул тиббий хизмат ташкил қилинган, дўконларда маҳсулотлар 10, 20 фоизгача арзонлаштириб сотилади.

Университетда ўқиётган талабалар орасида ягона ўзбек бўлганлигим учунми, дўстларим ўртасида Ўзбекистон тўғрисида кўп ҳам тушунча йўқ эди. Лекин ўзим билан олиб кетган миллий либослар, юртимиз ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи китоблар уларда ўзбеклар ва Ўзбекистон тўғрисида оз бўлсада тасаввур ҳосил қилди.

**— Лондондек тарихий шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари кўп бўлса керак?**

— Албатта, Англия пойтахтида кўплаб жаҳонга доңғи кетган галерея ва музейлар бор. Хусусан, Мадам Тюссо музейи, Гайд парк, Грин парк, Букингем саройи, ҳайвонот боғи, Британия музейи, миллий галерея, Виктория ва Альберто музейи, табиат музейлари шулар жумласидандир. Шу сабабдан Лондонда туристлар жуда кўп бўлади.

**— Англия футболнинг ватани ҳисобланади...**

— Албатта Англияда футбол энг қизиқарли спорт тури ҳисобланади ва инглизлар ҳаётини чарм тўпсиз тасаввур этиб бўлмайди. Инглизлар барларда, кичик қаҳвахоналарда йиғилиб, футбол кўришни ёқтиришади. Машҳур «Уэмбли» ўйингоҳи эса доимо ишқибозлар билан тўлиб-тошади. «Манчестер Юнайтейд», «Ливерпул», «Ньюкасл» жамоалари Англияда энг севимли командалардан ҳисобланади. Ишқибозлар яхши кўрган ўйинчилар, юлдузлар тасвири туширилган майкалар, қўғирчоқлар кўп. Уларни кўпроқ сотиб олишади. Роберт Оуэн ва Дэвид Бэкхемлар ҳозирда Буюк Британиянинг энг кучли ўйинчилари ҳисобланади. Айниқса, бу йилги жаҳон чемпионатини англияликлар жуда қизиқиб томоша қилишди. Муҳим ўйинлар пайтида корхоналар иши тўхтаб, кишилар футбол кўришди. Улар Хорватияни жуда қўллаб-қувватлашди. Ўйлайманки, футболчиларимиз жаҳон чемпионатлари каби нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этса, юртимиз курраи заминда янада яхшироқ таниларди.

**— Келгусидаги режаларингиз...**

— Ўз юртимиздан йироқда яшаб, Ватанни соғиниб мустақил Ўзбекистоннинг равнақи учун хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганман ва шу йўлда интиламан. Мақсадим ўқишни тугатгандан сўнг чет мамлакатларда халқаро журналист сифатида ишлаб, Ўзбекистон маданияти, ҳаёти, урф-одатлари, кийим-кечаклари, миллий таомлари тўғрисида кўрсатувлар тайёрлаб, юртимизни жаҳонга танитиш, дўстлик алоқалари ўрнатишга баҳоли қудрат кўмаклашишдир.

*Дилмурод ИСМОИЛОВ суҳбатлашди.*



*Энг замонавий техника, компьютерлар ва табло кўрсаткичи билан жиҳозланган Республика хом ашё биржасининг ички кўриниши.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

Ҳикматлар

**Мирзо Абдулқодир БЕДИЛ**

# ОСМОН БЎЛСАНГ ЕРГА ЭГИЛМОҚ ЯХШИ

Сўзларига бўлса юмшоқлик бўёқ,
Ёв ҳам қилур дўстлик кўзгусин порлоқ.

•

Киши табиати фош этса идрок,
Фақат яхшиликка этар иштирок.

•

Яхшилик қилсанг ўз дилинг бахтга ёр,
Ёмонлик кўргузсанг кўнгилда ғубор.

•

Ҳали қиёмат кун келгани йўқ-ку,
Яхшилик қилавер, ҳисоб не даркор.

•

Осмон бўлсанг ерга эгилмоқ яхши,
Тупроқ бўлсанг кўкка интилмоқ яхши.

•

Таъбингда бўлса гар шодликдан асар,
Хулқинг яхшилашга енгингни шимар.

•

Серташвиш бу оламда жаҳд айла такрор,
Таъбингда қўполликдан қолмасин осор.

•

Соҳибдил ўлими жаҳонга кулфат,
Шам ўчса доғида қолади улфат.

•

Тошюракларга шиоринг сахт қил,
Қизиган темирни темир билан ил.

•

Ул нусхаки бошдан оёқ пурмаъно,
Ҳар хатда нуқталар бирлиги пайдо.

•

Иттифоқ кучидан бўлмагил ғофил,
Бирлашиб тиш тошни синдирар чил-чил.

•

Бу харобазорда истасанг роҳат,
Дўстга қўшилиб топ дилга ҳаловат.

•

Қайда қилча зидлик кўрса гар мардум,
Шунда бўлур олам дўстлик ипи гум.

•

Қай дилга тушмаса ишқдан бир партов,
Умри куйиб ўтар, жабрга гаров.

•

Токи ишқ қиссаси такрорга қобил,
Бу мато бозорин доим қизиқ бил.

•

Қаерда ҳирс ёнар бўлса бетутун,
Одамийлик унга бўлади ўтин.

•

Ҳиммат камарини боғлаган ҳамон,
Чумоли енгади филни бегумон.

•

Беш кунлик умринг бу нотинч оламдан,
Тинч ўтар сен ўзинг қилган малҳамдан.

•

Фитратингдан жудо бўлмасин ҳаё,
Оёқ остингга боқ, бўлма бепарво.

•

Хижолат келтираркан тилда пардоз,
Гиёҳ унмас қаро ер бўлгани соз.

*Нашрга тайёрловчи Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ,*
*Халқаро Фирдавсий мукофоти соҳиби, профессор.*

Маънавият

# ВАТАН МАСЪУЛИЯТИ УСТУВОР

***Собир Раҳимов туман ҳокимлиги, туман «Маънавият ва маърифат» маркази ва Халқ демократик партияси туман бўлими ташаббуси билан «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Эркин Аъзамов билан учрашув ўтказилди. Унда тумандаги маҳаллалар оқсоқоллари, туман фаоллари билан бир қаторда таниқли педагог олимлар ҳам иштирок этди.***

Учрашувда Президентнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига қайтарган жавобларида илгари сурилган ғоялар ва улардан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири Эркин Аъзамов тўхталар экан, жумладан шундай деди:

— Инсон фақат қорин ғамидагина яшаши керак эмас, балки миллат ва давлат олдидаги масъулиятини ҳам англаши лозим. Мен ўйлайманки, Президентимиз томонидан илгари сурилган, яъни жамиятимизнинг маънавий тараққиёти, унинг эртаси ва бугуни билан боғлиқ бўлган долзарб масалалар ва шу Ватанда яшовчи барча юртдошларимизни бефарқ қолдирмаса керак.

Сўзга чиққанлар юртимиздаги ўзгаришлар, миллий мафкуранинг бошланғич қисми ва унинг характерли томонлари, маънавий масалалар тўғрисида кенг тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, миллий мафкуранинг миллатга хизмат қилиши тўғрисида «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Садир Салимов маъруза қилди.

— Бугунги кунда ҳар бир масалани ҳал қилишда маънавият ва маърифат жамоатчилигининг ҳиссаси катта бўлмоқда, — деди туман ҳокими ўринбосари Шавкат Пўлатов. — Шу боис ҳам бугун маънавиятимизга катта эътибор берилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Бугунги учрашувда эътиқод, мафкура нима деган тушунчалар атрофида баҳоли қудрат фикр алмашдик. Учрашув қатнашчилари бундан керакли хулоса чиқариб, жойлардаги маҳалладошларига ҳам етказадилар.

*Очил ҲАЗРАТОВ.*

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

# «ЁЛҒОН ВАЪДАЛАР»

***«Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 19 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа остида берилган мақолада Юнусобод туманидаги Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли маҳалла аҳолисига Юнусобод автомат телефон станцияси ходимлари телефон туширишни пайсалга солаётгани, бу нарса маҳалла фуқароларининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётгани танқид остига олинган эди.***

***Ушбу мақола юзасидан очиқ турдаги «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамиятининг Марказий филиал директори Н. К. Султонов имзоси билан жавоб олинди. Жавобда шундай дейилади:***

«Тошкент оқшоми» газетасининг 1998 йил 19 июндаги сонида чоп этилган «Ёлғон ваъдалар» мақоласи Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида муҳокама қилинди.

Муҳокамада Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бош директорининг ўринбосари, «Алоқаинвест» акциядорлик жамиятининг бош директори А. Т. Тоғайалиев очиқ турдаги «Тошкент шаҳар телефон тармоқлари» акциядорлик жамияти бош директорининг ўринбосари А. А. Отақўзиев, Марказий филиал директори ва муҳандис ходимлар қатнашдилар.

Мақолада кўрсатилган далиллар тўғри деб топилди. Тошкент махсус алоқа қурилиш бошқармаси бошлиғи Р. Ш. Қодировга қурилиш-монтаж ишлари учун материаллар ажратиб, барча ишларни тугаллаш юклатилди. Очиқ турдаги «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамиятининг Марказий филиалига фуқароларнинг хонадонларига телефон рақамлари расмийлаштирилиб ишлатилиши топширилди. Ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндошган Тошкент махсус алоқа қурилиш бошқармаси бошлиғи Р. Ш. Қодировга нисбатан чора кўрилиб бу ҳақда агентликка ёзма маълумот берилиши юклатилди.

Ҳозирда пул тўлаган ҳамма фуқароларнинг уйларига телефон рақамлари расмийлаштирилиб, уларнинг ишлаши таъминланди».

Президент соврини учун

# МИЛЛИЙ КУРАШИМИЗНИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ

**5 — 6 сентябрь кунлари «Жар» спорт марказида биринчи марта миллий кураш бўйича халқаро мусобақалар бўлиб ўтади**

***Мозийга қараб иш кўрмоқ хайрли дейдилар. Агар ўтмишга мурожаат қиладиган бўлсак, юртимиз қадим-қадимлардан ўзининг Буюк ипак йўлидаги жаҳон бозорлари, пахтаси, ипаги, буюк меъморий ёдгорликлари билан бирга кураги ерга тегмаган полвонлари орқали ҳам жаҳонда довруғ қозонган.***

Буюк рубоийнавис шоир ва мағлубият нималигини билмаган шер келбатли Паҳлавон Маҳмуднинг номини ким эшитмаган дейсиз. Аҳмад полвон, Тўланбой полвон, Аброр полвонлар ҳам асримизда ўзбек миллий кураши шон-шуҳратини кенг ёйдилар.

Шуниси қувонарлики, фақат мустақиллигимизгина қўрнинг тагида ётган гавҳар каби миллий курашимизнинг қайтадан қад кўтаришига замин яратди. Кўпчилик ҳамюртларимизнинг ёдларидан кўтарилмаган бўлса керак, 1992 йилда «Алпомиш» спорт саройида илк бор миллий кураш бўйича республика биринчилиги ўтказилганди. Ўшанда Эрали полвон Маҳмарасулов ва Абдуқодир полвон Пирматовларнинг маҳоратларидан баҳраманд бўлиш ниятида келган ишқибозларни маҳобатли спорт саройи ўз бағрига сиғдира олмаган эди.

Мана, 5 — 6 сентябрь кунлари истиқлолимизнинг буюк кошоналаридан бири бўлмиш «Жар» спорт маркази миллий курашимиз улуғ тантанасининг шоҳиди бўламиз — илк бор Ўзбекистон Президентининг соврини учун миллий кураш бўйича халқаро мусобақалар бўлиб ўтади. Бу истиқлолимизнинг ўтган 7 йили ичида республикамиз спорти ютуқларига берилган муносиб баҳо, нуфузли халқаро ташкилотларнинг ўринли эътирофидир.

Мусобақа биринчи бор ташкил этилаётган бўлсада Канада, АҚШ, Голландия, Англия, Испания, Боливия, Жанубий Африка Республикаси, Тунис, Туркия, Греция, Болгария, Венгрия, Руминия, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Латвия, Эстония, Украина, Беларус, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Босния, Герцеговина каби қирққа яқин давлатларнинг энг кучли курашчилари келиши ҳам унинг нуфузидан далолат беради. 202 килограмм вазнга эга Европа ва жаҳон чемпионатларининг совриндори украиналик Владимир Русляков, жаҳон биринчилигининг совриндори, 180 килограмм вазнли Индрен Пертельсон (Эстония), дзюдо бўйича олимпия ва жаҳон чемпиони грузиялик Хохолашвили, дзюдо ва самбо бўйича Осиё чемпионатининг совриндори япониялик Яшикадзу Мориямалар эса халқаро турнирнинг фахри ҳисобланади.



— Кўпчиликни миллий курашимиз жаҳон мамлакатларида нима сабабдан бунчалик қизиқиш уйғотаётганлиги қизиқтириши табиий, — дейди Ўзбекистон миллий кураш федерацияси раисининг ўринбосари Аббос Тўйчибоев. — Гап шундаки, Президент соврини учун халқаро мусобақа қоидаларига кўра беллашувлар тик ҳолатда ўтказилади, яъни унинг дзюдодан фарқи белдан пастдан ушлаб усул кўрсатиш, бўғиш, оғритиш, қийнаш усуллари қўлланилмайди. Фақат йиқитганнинг ўзи учун очко берилади. Шу сабабдан умуминсоний қадриятларга асосланган Европа ва Америка мамлакатларида бизнинг миллий курашимизда спортчига азоб бериш, танани оғритиш, шафқатсиз усулларининг йўқлиги, инсонпарварликка йўғрилганлиги, мардоналиги, ҳалоллиги билан у эътибор қозонди, чет эллик мутахассисларда қизиқиш уйғотди.

Дарвоқе, икки оғиз сўз мусобақа қоидалари тўғрисида. Унда 80 килограмм вазндан юқори барча курашчилар олимпия усулида беллашадилар. Ҳар бир баҳс беш дақиқагача давом этади. Соф ғалаба — ҳалол учун 10:0 ҳисоби берилади, ёнбошга йиқитиш — 5:0, чала — 3:0 очко билан баҳоланади. Турли хил огоҳлантиришлар учун эса мавжуд очколар олинади. Чунончи, ғирром — 0:10, дакки — 0:5, танбеҳ — 0:3 орқали баҳоланади.

Ҳозир «Қибрай» спорт мажмуасида сурхондарёлик Эрали Маҳмарасулов, Маҳтумқули Маҳмудов, Тоштемир Муҳаммадалиев, Рустам Эргашев, қашқадарёлик Баҳром Авезов, Чори Баратов, Акбар Йўлдошев, Улуғбек Жабборов, Абдуқодир Пирматов, хоразмлик Санжар Кўпалов, Санъат Қутимов, самарқандлик Иброҳим Каримов, тошкентлик Муҳаммаддўст Тошев, Хуршид Назаров каби саралаш мусобақаларидан ўтган 25 та энг кучли полвонларимиз мураббий Рустам Тўраев бошчилигида беллашувларга қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

Яна бир муҳим янгилик шундан иборатки, 6 сентябрь куни иштирокчи мамлакатлар делегациялари раҳбарлари иштирокида халқаро кураш ассоциациясининг таъсис конференцияси ҳам бўлиб ўтади. Унда миллий курашимизни халқаро майдонга олиб чиқиш ва уни ривожлантириш масалалари тилга олинади, халқаро кураш ассоциациясининг низомини муҳокама ва қабул қилиш, халқаро кураш фонди ва кураш академиясини ташкил этиш масалалари кўриб чиқилади. Шу тариқа насиб этса миллий курашимизга халқаро мақом берилади.

Энг муҳими, мусобақа ташкилотчилари — Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси ва республика давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан барча ташкилий ишлар аъло даражада амалга оширилди. Хусусан «Жар» спорт мажмуасидаги 10 минг кишилик очиқ ўйингоҳ тартибга келтирилди. Иштирокчи мамлакатларнинг байроқчалари, нишонлари тайёрланди, матбуот марказининг иши йўлга қўйилди, кураш мусобақаси ахборотномасининг биринчи сони чоп этилди.

Мусобақаларни ташкил этишда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбектуризм» компанияси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Саноат-қурилиш банки, Республика Марказий банки, «Ян альра», Ўзбекистон — Литва қўшма корхонаси, «Ян пласт» хусусий фирмаси, «Оникс» ҳиссадорлик жамияти, вилоятлар ҳокимликларининг ҳам ҳомийлик ҳиссалари катта бўлди. Мусобақанинг мутлақ ғолибига 10 минг доллар ҳажмидаги Президент соврини билан бирга «Оникс» ҳиссадорлик жамияти томонидан тайёрланган тож шаклидаги гўзал ва нафис биллур кубок топширилади.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*




**• Полвонлари ҳам довруғли**
**• Болаларнинг қувончли кўзлари**

**• Бир умрга эсда қолсин**
**• Ўлкамиз неъматлари**

Мулоҳаза

# ТЎЙЛАР ВАЪЗХОНЛИККА АЙЛАНМАСИН

***Ҳар бир ота-она ўз фарзанди орзусининг туткўнидир. Бўй етган қизни узатиб, ўғил уйласам дейди. Яхши ниятлар билан эл олдига дастурхон ёзиб тўй қилади. Бироқ никоҳ тўйларидаги айрим ноўрин ҳолатлар борки, булар барчанинг асабига тегади.***

Янга ва дугоналари қуршовида куёвникига келган келин машинада куёв боланинг чиқишини айрим ҳолларда соатлаб кутишига тўйри келади. Ва ниҳоят куёв ўз жўраси билан чиққач катта ҳангома бошланади. Яъни келиннинг янгаси келинни ҳадеганда машинадан туширгиси келмай, куёв тарафдан пул ёки тузукроқ буюм талаб қилади. Ҳа энди урф-одатларимиздан бирида, дейишимиз мумкин, лекин урф-одатни меъёридан оширишнинг кимга кераги бор? Куёв тараф бир амаллаб келин янгани рози қилгач, келинни машинадан туширишади. Шундай қилиб куёв бир соат деганда келин билан тўйхонага кириб келади.

Ҳамма ўз ўрнига жойлашгач, тўйни олиб борувчи ўртакаш бирор ёши улуғ отахон ёки маҳалла оқсоқолига сўз беради. Шундайлар бўладики, икки ёшни унутилмас кун билан табриклаш ўрнига узундан узоқ насиҳат қилишни бошлайди. Тўйхона эмас, гўёки насиҳатхонага келиб қолгандай бўласиз. Бор-йўғи икки-уч соат давом этадиган никоҳ тўйида келин-куёвни ҳамманинг олдида тургизиб қўйиб насиҳат ўқиш шарт бўлмаса керак. Қолаверса улар шу ёшга етгунларича қанчадан-қанча насиҳатларни эшитишган. Сўзга чиққан айрим одамлар шунақанги эзилиб гапирадиларки, ҳаттоки уларнинг гапини бировнинг эшитаётган ёки эшитмаётганлиги билан ҳам ишлари бўлмайди.

Айрим ҳолларда куёвлар, «Нари борса уч соат давом этадиган тўйимга фалон санъаткорни фалон пулга олиб келсагу тўйнинг ярмидан кўпи ҳар хил гап-сўз, насиҳатгўйлик билан ўтиб кетса», деган ўринли гапларни айтишади.

Шундай экан, тўйларда ўзлари насиҳатга муҳтож одамларни ваъзхонликка чиқармай, ўрни-ўрни билан келин-куёвга икки оғиз яхши тилак билдирсак шунинг ўзи кифоя. Инсон умрида бир маротабагина бўладиган тўй оқшомини бир соат куёвни келин олдига чиқишни кутиш, бир соат келинни машинадан тушириш, яна бир соат насиҳатгўйлик билан ўтказмайлик. Тўйни тўйдек ўтказайлик.

*Абдулла ТОЛИПОВ.*



***Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги байрами кунларида бутун Тошкент шаҳримиз бўйича кўпдан-кўп тантанали тадбирлар ўтказилди. Байрам ҳар бир маҳаллага, ҳар бир уйга кириб борди. Ана ўша байрам кезларида тақдир тақозоси туфайли ота-онасиз қолган болаларга эътибор, кўрсатилган ғамхўрликлар ҳар қачонгидан ҳам зиёда бўлди.***

Мурувват

# САХОВАТ БАЙРАМИ

Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари Қозоғистондан келган меҳмон — Ғоиповлар оиласини қўшиқлар, рақслар ва шодон кулгу билан кутиб олдилар. Мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллик байрамига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шахсан таклифи билан келган оила бошлиғи Абдуманноп ака тўпланганларнинг ҳаммасини ушбу нурли байрам билан қизғин табриклаб, уларга бахт-саодат ва сиҳат-саломатлик тилади. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва республикамизнинг бутун раҳбарияти шаънига кўпдан-кўп илиқ ва самимий сўзлар изҳор этилди.

Меҳрибонлик уйининг болалари меҳмонларга катта концерт қўйиб бердилар. Унда Меҳрибонлик уйи фольклор ва эстрада тўгаракларининг қатнашчилари иштирок этдилар. Шу куни Меҳрибонлик уйини оталиққа олган «Кока-Кола» компанияси ва «К. Комилжон савдо» фирмаси ҳам хайр-саховатдан четда қолмади. Уларнинг ҳиммати туфайли тўкин дастурхон ёзилди.

Шу куни болаларнинг қувончдан порлаган кўзларига қарар эканмиз меҳр-мурувват ва саховат байрами ажойиб тарзда ўтганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик...

*(Ўз мухбиримиз)*

*СУРАТЛАРДА: М. Ғоипов (юқоридаги сурат, ўнгда) Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан бирга; 22-Меҳрибонлик уйида болалар ҳар доим спортни жондан ҳам яхши кўришади.*





*Айни пишиқчилик. Шаҳримизнинг қай бурчагига қараманг, кўчани эгаллаган қатор-қатор қовун-тарвуз хирмонларига дуч келасиз. Ўзбекнинг етиштирган тилёрар тарвузлари.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

**Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ**

# ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## «ОЛТИН КАЛИТ»

**буюм лотереяси учинчи тиражи ютуқларининг расмий жадвали**
**Тошкент шаҳар, 1998 йил 30 август**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан таъсис этилган «Олтин калит» лотереяси учинчи тиражида умумий миқдори 4215780 сўмлик ютуқлар ўйналиб, қуйидаги лотерея билетларининг эгалари замонавий автомобиль соҳиблари бўлдилар.

| Ютуқ чиққан билет серияси | Ютуқ чиққан билет тартиб рақами | Ютуқ номи | Ютуқнинг қиймати (сўм) |
|---|---|---|---|
| 038 | 000072 | «ТИКО» автомобили | 564990 |
| 042 | 000007 | «ТИКО» автомобили | 564990 |
| 081 | 000004 | «ДАМАС» автомобили | 808700 |
| 082 | 000198 | «ТИКО» автомобили | 564990 |
| 093 | 000167 | «ТИКО» автомобили | 564990 |
| 098 | 000025 | «НЕКСИЯ» автомобили | 1147120 |

Ютуқ чиққан лотерея билетлари ушбу тираж ўтказилган санадан бошлаб тўрт ой муддат мобайнида Тошкент шаҳар, Виктор Малясов кўчаси, 3-уй манзили бўйича Лотереялар ташкил қилиш бошқармаси томонидан тегишли ютуқларни тўлашга қабул қилинади.

Ушбу тиражда ютуқ чиқмаган лотерея билетларини ташлаб юборишга шошилманг ва асло руҳингизни туширманг, чунки «Олтин калит» лотереясининг беш тиражидан сўнг, қўшимча тарзда ўтказиладиган «Омад тиражи»да барча ютуқсиз билетлар қатнашади ва Сиз қимматбаҳо ютуқ эгаси бўлишингиз имконияти чексиздир. Учинчи тираждан сўнг «Омад тиражи»нинг ютуқ фонди 2. 352. 660 сўмни ташкил этади.

**Тираж ҳайъати раиси Х. А. ИБРОҲИМОВ.**
**Тираж ҳайъатининг масъул котиби Р. Р. КАРИМОВ.**

**АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!**

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси энергия сотиш хизмати шуни маълум қиладики, Акмал Икромов тумани аҳолисига хизмат кўрсатишни осонлаштириш учун Акмал Икромов ТЭТ қошида электр энергия сотиш хизматининг шохобчаси ташкил этилди. Шунинг учун электр энергия ҳисоб-китоби ва мижоз дафтарчаси олиш масалалари бўйича Акмал Икромов ТЭТ қошидаги электр энергия сотиш хизмати шохобчасига мурожаат қилиш зарур.

**Шохобча манзили: Ҳ. Турсунқулов кўчаси. (Мўлжал: Акмал Икромов тумани ҳокимлиги биноси). Тел. 74-20-16, 74-14-81.**
**ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ.**

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Собир Раҳимов туманидаги «Файзулла-Хайрулла» хусусий фирмаси

**ТУГАТИЛАДИ**

Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Чилонзор туманидаги масъулияти чекланган «ХИМПОЛИМЕРТОРГ» жамияти

**ТУГАТИЛАДИ**

Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

«Давлат белгиси» бирлашмасининг Тошкент зарбхонаси жамоаси корхона директорининг ўринбосари Шаҳобиддин Бурҳонович Ҳошимовга отаси

**БУРҲОН** отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

